

## МУНОСАБАТ



# ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ: ИККИ СОҲИЛДАГИ ИККИ КУН

“Жайхун шамоллари”, “Аму тўлқини” деган таърифни кўп эшитгансиз. Бунда гап қайси ҳудуд ҳақида кетишини ҳам дарров тушунасиз. Қадимги манбаларда Окс ёки Ўқиз, Омул ёки Аракс, Амуё ва Жайхун дея номланган дарё айна пайтда унинг соҳилларида яшовчи инсонларнинг очиқ кўнгли ва тоза қалбини намойиш этиб туради.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг қарий 50 йил аввал ёзилган “Эсар Жайхун шамоллари” номли шеърда гурур уфуриши, туғилган юртининг гузалликлари оҳанрабо сатрларга кўчишида ҳам юқоридаги самимият мужассам аслида. Шу билан бирга, кўҳна диёрда умргузаронлик қилаётган эллар кечаси, бугуни ва эртасидан дарак беради ушбу мисралар:

Эл меҳри сўнмас юзиндан,  
Улуғ дарёи азимдан.  
Қорақалпоқ, Хоразмдан,  
Эсар Жайхун шамоллари.


Худудлар ривожини ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрган Президент Шавкат Мирзиёев дастлабки учрашувдаёқ асрлар давомида бирга яшаётган халқлар яқдиллигидан сўз очгани, аънавий қардошлик янги босқичда давом этишига урғу бергани бежиз эмас.

– Биз битта эл ва битта юртмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Ҳамма вилоятлар Қорақалпоғистонни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ҳар бир туманга вазирилар, ҳокимлар, идора ва банклар раҳбарлари бириктирилган.

Оролбўйига ташриф Кегейли туманидаги “Ақтуба текстиль” корхонасидан бошланди. Илгари саноат бўлмаган ерда қад ростлаган замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси андижонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда фойдаланишга топширилган. У йилига 3 миллион донадан зиёд трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Хориждан илғор ускуналар келтириб ўрнатилган. Энг муҳими, маҳаллий аҳолидан 500 нафарнинг бандлиги таъминланган. Бундай завод ва фабрикаларни кўпайтириш эса устувор вазифа қилиб қўйилган.

Давоми 2-саҳифада. ▶▶

## БУГУНГИ СОНДА:



ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯДА  
ЖАМИЯТНИНГ ЯРАТУВЧИ ҚАТЛАМИ  
МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ

# 3



МАШИНАГА ҚЎШИБ  
ИНСОФНИ ҲАМ ЮВИШ  
КЕРАК-ДА!

# 5



АМИР ТЕМУР  
БАЙРОҒИДАГИ  
УЧ ҲАЛҚА

# 6

## ЭРКИМИЗ ВА ЭРТАМИЗНИНГ

# КАФОЛАТИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига содда, аниқ ва тўғри тушултиришга бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар, эвент-тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари, фаоллар иштирокидаги тадбирларнинг навбатдагиси водий вилоятларида қизгин тарзда ўтказилмоқда.

### ✓ НАМАНГАН

О'zLiDeP НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲАМДА ЧОРТОҚ ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДА ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ЭВЕНТ-ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Зафар Худойбердиев, Барно Мирзамова, Сардор Ғиёсов, партиянинг Наманган вилоят кенгаши раиси Солижон Мўминов ва бошқалар жорий йилнинг 30 апрель кунини ўтказилмаган умумхалқ референдуми ва унда овозга қўйилаётган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституция лойиҳасининг мазмуни, мақсади ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Улар ўз сўзларида Бош қомусимизга киритилаётган барча ўзгаришлар замирида Ўзбекистонда кечаётган тарихий ислохотлар моҳиятини белгилловчи “Инсон ҳақри учун” улуғвор ғояси ётганини алоҳида таъкидлади.

Шундай кўтаринки руҳдаги тадбирлар вилоятнинг Косонсой тумани ва Наманган муҳандислик-технология институтида ҳам бўлиб ўтди.



Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” кичик саноат зонасидаги учрашув ҳам тадбиркорлар иштирокида қизиқарли ташкил этилди. Дастлаб ташвиқот гуруҳи аъзолари бу ерда фаолият юритаётган “Гаймур текстил 2020”, “Баланс текс” ва “Мастер класс” МЧЖларида бўлишди, ходимлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

– Ҳар қандай тадбиркорлик жамиятдаги тинчлик ва хотиржамлик, аҳолининг розилик кайфиятига, қолаверса, ҳуқуқ устуворлиги таъминланганига тўғридан-тўғри боғлиқлигини ҳамма яхши англайди. Тадбиркорлик фақат қонун устувор бўлган давлат,

тинчлик-хотиржамлик ва халқ розилиги мавжуд жамиятда гуркираб ривожланади, барқарорлик касб этади, – деди партия лидери Ақтам Хаитов. – Шундай экан, партиямиз учун, унинг электорати сирасига кирувчи тадбиркорлар, мулкдорлар ва фермерлар учун янгилаётган Конституцияда аҳоли турли қатламларининг ижтимоий ҳимоя қилинишига оид нормаларнинг, қолаверса, ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга қаратилган, инсон манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга оид янги қоидаларнинг акс этаётгани ниҳоятда муҳим аҳамиятга моликдир.

### ✓ АНДИЖОН

ИНТИҚ КУТИЛАЁТГАН РЕФЕРЕНДУМ ТАРФИ-БОТИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ, ТАДБИРЛАР АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ҲАМ МАЗМУНЛИ УТМОҚДА. МАРҲАМАТ ТУМАНИДАГИ “БУЮК МАСКАН” СЎЛИМ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА УЮШТИРИЛГАН БАЙРАМОНА УЧРАШУВНИНГ ШУКУҲИ ЎЗГАЧА БЎЛДИ.

Тадбирни О'zLiDeP етакчиси Ақтам Хаитов кириш сўзи билан очиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишдек олий мақсад сари қўйилган қадамлар албатта Асосий қонунимизни янгилаш зарурлигини тақозо этгани ва янги тахрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат деган ғоя асосий мезон қилиб олинганини алоҳида таъкидлади.

Сийёсий куч раҳбари бошчилигидаги депутатлар Андижон шаҳридаги “SAMOINURAKFA LTD” масъулияти чекланган жамиятидаги ишчи-ҳодимлар иштирокида ўтказилган мулоқотда ҳам Бош қомусимиздаги катта ўзгаришлар хусусида маълумот берилди.

Мулоқот сўнгида халқ вакиллари юртдошларимизни халқимиз тақдирини ва келажагини учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий қонунга бефарқ бўлмадан, 30 апрелда ўтказилмаган референдумда овоз беришга чақирди.

О'zLiDeP матбуот хизмати



◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

# ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ: ИККИ СОҲИЛДАГИ ИККИ КУН

Ана шундай яна 6 та янги корхона ишга тушириш маросимида бироз ҳаяжон босгани рост. Чунки энди оилаларда пул топиш илмида юрган юртдошларимдан камида 1 100 нафари оиласига яқин жойда ишлаш имконига эга бўляпти. Бериуний туманидаги "Бериуний буғдой кластер" ҳамда "Райхон аппарат", Қораўзақ туманидаги "Қорақалпоқ цемент" заводининг 3-босқичи, Қўнғирот туманидаги "ҚКРаси кемикал", Нукус шаҳридаги "Азимут хотел", Тўртқўл туманидаги "Хозаро" каби мажмуалар салоҳияти тўғрисида мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Фаоллар йиғилишида Президент томонидан билдирилган ташаббуслар, дангалини айтганда, одамларнинг кўнглини тўлдириб юборди.

Биринчиси, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан кўшимча маблағ ажратилди.

Иккинчиси, кадастри йўқ 38 минг уй-жой ва кўчмас мулклар бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаб берилди.



Учинчиси, аҳоли талабини инобатга олиб, жорий йилда 4 мингта уй-жой қурилади. Замонавий лойиҳа асосида 4 мингта яқка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилади...

Бошқа янгиликлар ҳам тилга олинди. Жумладан, Бўстон канални бетонлаш ҳисобига Эллиққалъа, Тўртқўл ва Бериуний туманларида 100 минг гектарда сув таъминоти яхшиланиши айна мўддоа. Худди ана шу уч туман ҳудудидан ўтган 120 километрик магистрал ҳамда энг серкатнов 600 километрик ички йўлларнинг таъмирланиши ниҳоятда муҳим масаладир.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музикали театрида мил-

циясини ташкил этиш" мавзусида умумий қиймати 955 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу денгизнинг қуриган тубидаги ерлардан фойдаланиш, сувни тежаш ҳамда тузни камайитиришга хизмат қилади.

Турли даражадаги раҳбарлар вақтдан оқилона фойдаланиш, кун тартибини тўғри белгилашни астойдил ўрганишлари мақсадга мувофиқ, Чунки маҳаллий амалдорлар кўпинча вақт етишмаслигини баҳона қилишга, ярим кечагача ходимларни ушлаб ўтиришга ўрганиб қўлишган. Президент эса уларга Нукусда бир кундаям кўп нарсага улгуриш мумкинлиги бўйича "маҳорат сабоғи" ўтиб берди, назаримда.

"Алтин жағис" маҳалласидаги шароитларини ўз кўзи билан кўриш асосида сумалак сайлида қатнашгани, бу ердаги аёллар билан дилдан суҳбатлашгани, ифторлик қилиш учун шу ерлик ўқитувчи Қуёншбай Сейтназаров хонадонига киргани фикримиз далилидир.

Маҳалла билан танишиш узоқ давом этганига қарамай давлат раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам мулоқот қилишга вақт ажратгани журналистлардан қўчадагидан мутасаддиларга ўзига хос бир ибрат намунаси – амалий курсатма бўлди аслида. Хуллас, ташрифнинг биринчи кунини Амударёнинг ўнг қирғоғида сермазмун ўтди. Президент, мулоқот пайтида ваъда берганидек, қорақалпоқ диёрида тунаб қолди...

Муаззам Жайхуннинг бир соҳилидан ҳавога кўтарилган самолёт унинг иккинчи ёнидаги халқаро аэропортга келиб қўнди.

Шавкат Мирзиёев Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади.

– Бугун мана шу қадим ва табаррук заминда, муборак Рамазон ойида сиз, азиз юртдошларим билан кўришиб турганимдан ғоят мамнунман, – деди давлатимиз раҳбари. – Агар таҳлил қилсак, Хоразмда кўп нарсалар ўзгарди. Лекин замон шиддат билан ўтапти, аҳолининг талаби ўсиб борапти. Биз шунга муносиб ҳаракат қилишимиз керак. Шунинг учун ишимизни танқидий кўриб, катта-катта марралар олишимиз керак.

Очиғи, кейинги вақтда бу азим дийёр ўзига хос иқлим шароитига қарамай,



маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг Хоразм филиалини бориб кўрди. Бу ерда ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда IT хизматларини экспорт қилиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Мақсадлар ҳам шунга яраша, жорий йилда экспорт ҳажмини 3 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Шу ернинг ўзида IT-парк резидентлари, ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган ёшлар билан мулоқот бўлди. Улар ўзларининг фаолияти ҳақида мароқ билан сўзлаб беришди.

Қорақалпоғистондаги аяна Хоразмда ҳам давом этди. "Янгибозор текстиль агрокластер" масъулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишиб бўлган, Президент рамзий тугмани босиб яна 6 та янги корхонага "старт" берди. Урганч шаҳридаги "Эко Оби ҳаёт" корхонаси томонидан гипсокартон маҳсулотлари, Урганч туманидаги "Закиров" хусусий корхонаси томонидан бурама миҳ, Хива гилами комбинатининг иккинчи босқичи, Богот туманидаги "Коба текс" корхонаси томонидан тайёр газлама, Урганч туманидаги "Хоразм Солт Бизнес" корхонаси томонидан техник тузлар, Хонқа туманидаги "Хоразмтекс Фейш" корхонаси томонидан тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ҳар бирида маҳаллий аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун юзлаб иш ўринлари очилди.

"Хоразм фахри" уруғчилик кластери дала шийпонидида суҳбат нақадар самимий бўлса, шунчалик ҳаяжонли кечди. Одамлар очигини, юрагидан борини гапиришди. Хоразмдек сув тақчил ҳудудда деҳқончилик қилишнинг нозик жиҳатлари, тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти баробарида оилавий масалалар, фарзандлар тарбияси ҳам эътибордан четди қолмади. Илгари чет элларда ишлаган, ҳозир болаларининг ёнида даромад топаётган аёلнинг фикрларини Президент эринмай эшитди. Оддий одамларни тинглай билиш мавжуд муаммоларнинг илдизига етиб бориш ва уларга оқилона ечим топишда раҳбарлар учун дастлабки "йўл харитаси" эканига ишора қилди.

Нукусдан Урганч сари йўлга тушсангиз, Амударёни Қипчоқ овулидан кесиб ўтасиз. Бугун бу ерда муҳташам кўприк қурилоқда. Унда ҳам автомобиллар, ҳам поездлар ҳаракатланиши мумкин бўлади. Шоир назидидаги "қайда юрса соғинтирадиган" юртлар, "чўллардан атиргул терган" эллар янада яқинлашади. Борди-келди янада қулайлашади. Қудда-андачилик, қариндош-уруғчилик янада жиҳслашади.

**Умр қисқа, манзил узоқ, Йиллар биздан кетар йироқ. Мангу қўшиқ каби гувлаб, Эсар Жайхун шамоллари.**

Раҳматли ҳофиз Отажон Худойшукров бу қўшиқни салкам 20 йил қуйлади. Икки элнинг фарзанди сифатида дам у, дам бу соҳилда мингдан ортиқ марта ижро этди бу дардлий туйғуларни. Шунда Ибройим оға "Мен бу шеърни Жайхун бўйидаги халқларни улуғлаш мақсадида ёзгандим. Сен уни Ватан тимсолига айлантирибсан", дея юксак эҳтиромини билдирган эди.

Мухтасар хулоса шуки, Янги Ўзбекистондаги бугунги бунёдкорликка яна ўша Жайхун, яна ўша шамоллар гувоҳ бўлиб турибди. Ислохотлар муваффақияти Аму тўққини янглиғ эътиборни тортмоқда. Инсон қадрини учин амалга оширишнинг лойиҳалар дарё оқими сингари ортага қайтмас ҳаракат касб этган. Қуриган Орол талофатларини одамлар қалбидан қайта кўз очган денгиз қудрати астойдил энгиб ўтмоқда. Бу денгизнинг номи қатъий ишончдир. Модомики, орзу-умидлар албатта ушладди.

Озод РАЖАБОВ,  
"XXI asr" шарҳловчиси

# БОШ ҚОМУСИМИЗ ТОМ МАЪНОДА ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ БЎЛМОҚДА

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

О'zLiDeP Миробод туман кенгаши ва Тошкент давлат транспорт университети ўзаро ҳамкорликда "Конституциявий ислохот – бугуннинг талаби, эртанинг қамолати!" шиори остида талабалар билан очқ мулоқот ташкил қилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Эркин Зоҳидов, партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси Равшан Фозилов, партия фаоллари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Мулоқотда сўзга чиққанлар бугун барча саъй-ҳаракатлар, инсон қадрини юксалтиришга қаратилганини эътироф этишди. Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришларнинг негизиде ҳам Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар моҳиятини белгилловчи "Инсон қадрини унун" улуғвор ғояси ётганини алоҳида таъкидлашди. Айниқса, ҳужжатда ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқирилиши Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканига яққол ишорадир.

Мулоқот сўнггида депутатлар иштирокчиларни халқимиз тақдирини ва эртанинг кунини белгилаб берадиган тарихий қонунга бефарқ бўлмасдан, 30 апрелда бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок этишга чорлашди.

## НАВОИЙ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Акшагул Тўлегенова ва Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши депутати Муҳаммад Эшнӣёзов Навоий кончили ва технологиялар университетида "Янги Конституцияга дахлдорман!" шиори остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Конституцияимизга киритилаётган ўзгаришга мувофиқ, эндиликда қонунларимизда сайлаш ҳуқуқи чекланган шахслар рўйхати бўлмади, – деди депутат Акшагул Тўлегенова. – Фақатгина суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳужмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суд қарорини асосида маҳрум этилиши мумкин. Яъни юқориде санаб ўтилган шахслар, уларнинг сайлаш ҳуқуқини суднинг қарори билан чекланган бўлсагина, улар сайловда иштирок эта олишмайди, бошқа ҳар қандай вақтда улар ҳам сайлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Тадбир кўтаринки кайфиятда, куй-қўшиқлар садолари остида ўтди.

## ФАРҒОНА

"Бу менинг танловим – бу менинг Конституциям!" шиори остида Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда референдум тарғиботининг навбатдагиси Қўқон техника университетида уюштирилган учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова ва партия Қўқон шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Аваз Мазидов, О'zLiDeP Фарғона вилояти кенгаши аппарат раҳбари Ҳалимжон Раҳмонов қатнашди.

Мавлуда Ибрагимова янгиланаётган Конституцияимизнинг аҳамияти ҳақида йиғилганларга кенг тушунтиришлар берди. Шу билан бир қаторда таълим йўналишидаги ислохотларнинг келгусида ёш авлод қамолоти ва ҳимояси борасида батафсил тўхтади.



– Қонун лойиҳасида давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ҳамўхорлик қилиш мажбуриятини кучайтирилмоқда, – деди Мавлуда Ибрагимова.

## НАМАНҒАН

Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Мингбулук туманидаги 6-мактабда ташкил қилинган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Сардор Ғиёсов иштирок этди. Халқ вакили юртимизда амалга оширишга қаратилган ислохотлар, янгиланаётган Бош қомусимиз хусусида атрафлича тўхтади.

– Конституцияимизда боланинг соғлиғига, ҳавфсизлиғига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига ҳавф солуви, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи болалар меҳнатининг ҳар қандай шакллари тақиқланиши белгиланмоқда – деди Сардор Ғиёсов. – Шуқриқ, бугунги Ўзбекистонда узоқ йиллар юртимизнинг халқаро

имижига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга барҳам берилди.



Шу ўринда савол туғилади, референдум ўзини нима? Референдум Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз бериши ҳисобланади. Яъни референдум халқ иродасининг бевосита ифодаси ҳисобланади. Бунда фуқароларимиз тақлиф эмас, балки мана шу конституциявий қонунга овоз беришади. Аниқроғи, бевосита халқимизнинг тақлифи асосида тайёрланган конституциявий қонунни қабул қилиш масаласини ҳам халқимизнинг ўзи ҳал қилади. Шунинг учун биз барчани халқимиз тақдирини ва эртанинг кунини белгилаб берадиган тарихий қонунга бефарқ бўлмасдан, албатта референдумда фаол иштирок этишга қақриб қоламиз, – деди депутат сўзи якунида.

## АНДИЖОН

Шаҳрихон туман маданият саройида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишланган тарғибот тадбирида О'zLiDeP туман кенгаши ходимлари, партия фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, ўқитувчилар, ёшлар ва хотин-қизлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Одинахон Отахонова иштирокчиларга конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида гапираётиб, жумладан, шундай деди:

– Илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши кераклиги айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, сукут сақлаш ҳуқуқи берилмоқда. Ҳар кимнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланмиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланмоқда. Бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши мустақамланмоқда.

## СУРХОНДАРЁ

Бойсун туманида янги таҳрирдаги Конституцияимиз мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида Селенар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқўл Ҳўжамқўлов иштирок этиб, Асосий қонунимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида йиғилганларга батафсил маълумотлар берди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида Конституциявий қонун лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилди. Мухокамаларда олимлар, ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, хориждаги ватандошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

## ҚАШҚАДАРЁ

"Шўртан газ кимё мажмаси" масъулияти чекланган жамиятида О'zLiDeP Қашқадарё вилоят ва Ғузур туман кенгашлари ҳамкорлигида "Конституция ўзимизники!" шиори остида ташвиқот тадбири ташкил этилди.



– Конституциявий ислохотлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш, инсон шаъни ва қадр-қимматини қонун даражасида таъминлаш ҳамда Асосий қонунимизнинг жамиятдаги ислохотларга мослаштиришда муҳим ҳодисадир, – деди мажмуадаги О'zLiDeP бошланғич ташкилот раиси Хуршид Бердиев. – Айниқса, ҳужжатда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилгани, ёшлар ва хотин-қизларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилаётгани алоҳида аҳамиятлидир.

О'zLiDeP худудий кенгашлари маълумотлари асосида "XXI asr" мухбирлари Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, Сайфулла ИКРОМОВ тайёрлади.

# ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯДА ЖАМИЯТНИНГ ЯРАТУВЧИ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ

ҲОЗИРГИ КУНДА АҲОЛИНИНГ БОШҚА ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КАБИ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ, ФЕРМЕРЛАРИМИЗ ҲАМ ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШМОҚДАЛАР, УШБУ ҲАЁТБАХШ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР.

## ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ФАЛСА-ФАСИ: ХАЛҚ ФИКРИГА ТАЯНГАН ҲОЛДА, ИНСОН МАНФААТИ УЧУН

Янгилаётган Конституциянинг энг муҳим хусусиятларидан бири – унинг мазмун-моҳиятига кўра чинакам халқ конституцияси бўлаётгани. Мазкур муҳим жиҳат ҳужжатнинг ишлаб чиқиши жараёндаёқ яққол кўзга ташланганини таъкидлаш керак. Чунки Асосий қонунимизга киритилиши мўлжалланаётган ўзгариш ва қўшимчалар биринчи навбатда халқимиздан келиб тушган фикр ва тақлифларга асослангани билан диққатга молик.

Икки босқичда амалга оширилган халқ фикрини ўрганиш жараёнида такомиллаштирилган Конституция лойиҳаси билан 5 миллиондан ортиқ юртдошларимиз танишгани, 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани фуқароларнинг ўз келажаги, эл-юрт тақдирига дахлдор ушбу ҳужжатнинг пишқи-пухта ишлаб чиқишида нечоғли фаол иштирок этганидан далолат беради. Эътиборлиси, Бош қомусимиз янгилаётган тадбиркор ва фермерлар ҳам ўз тақлиф-таъсирлари билан ҳисса қўшди. Хусусан, О'зЛиДеРнинг ҳудудий ва бошланғич ташкилотлари томонидан Конституция ислоҳ қилинишига бағишланган ўтказилган 7 мингдан ортиқ тадбирда қарийб 275 мингга яқин киши қатнашиб, иштирокчилар томонидан 8 мингдан ортиқ тақлиф билдирилди. Улар мазмунан умумлаштирилиб, 2 минг 719 таси Конституциявий комиссияга киритилди. Фаоллик кўрсатганларнинг аксарияти айнан партия электорати вакиллари эканини алоҳида қайд этиш зарур. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан, қорхона ва муассасалардан 121 та жамоавий мурожаат О'зЛиДеР орқали Конституциявий комиссияга тақдим қилинди. Мазкур ишлар партия электоратининг Конституцияни ислоҳ қилиш жараёнида қанчалик фаол иштирок этганини намойён этмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг росмана халқ конституцияси эканлигини кўрсатувчи яна бир муҳим жиҳат – лойиҳада жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинганлиги. Айтиш мумкинки, ана шундай халқлик ёндашув, инсонпарварлик амалдаги 128 та модда ўрнига эндиликда 155 та моддадан иборат, нормалари сони 275 тадан 434 тага етказилган ҳамда 65 фоизга ўзгариштирилган – том маънодаги янги Конституция яратилишини тақозо этди. Янгилаётган Асосий қонун билан танишар эканмиз, ушбу ўзгаришлар асосида турган бош ғоя – инсон манфаатлари эканлиги яққол кўзга ташланади. Турли соҳаларда узоқ вақтдан бери фуқароларимизни ўйлантираётган бирор жиддий масала йўқки, Конституция даражасида ўз ифодасини топмаган бўлса...

Шу нуқтаи назардан халқ фикри, талаб-истаклари асосида ишлаб чиқилган янги конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳока-масига қўйилаётгани ҳам мантқиқан ниҳоятда тўғри ва ўринли бўлаётганини таъкидлаб ўтиш керак.

Бу Конституция барча аҳоли қатламлари вакиллари фикри инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилганини қайд этдик. Шу ўринда яна бир савол туғилади: мазкур ҳужжатда манфаатлари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ифодалаётган қатлам – тадбиркорлар, фермерлар, умуман, мулкдорлар синфининг оруз-умидлари, хоҳиш-истаклари қанчалик акс этган? Аҳолининг ушбу тоифаларини ўйлантираётган масалалар қай даражада ўз ечимини топган?

Лойиҳа билан танишиб чиқаётган ҳар бир фуқаро Ўзбекистонда кейинги йилларда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган тизимли ишлар ушбу олий ҳужжатда ҳам мантқиқий давомини топганининг гувоҳи бўлади.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР, МУЛҚДОРЛАР ҲИМОЯСИ

Конституциянинг фуқаролар иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқларига бағишланган IX боби 41-моддасида ҳам бунга ишонч ҳосил қиламиз. Ушбу моддада ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи аниқ белгилаб қўйилиши баробарида, банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тутилиши конституциявий норма сифатида киритилаётганини кўриш мумкин. Тадбиркорлар учун бу қонидан нақадар аҳамиятлик эканлигини англаш қийин эмас. “Банк сирини” деган тушунчага амал қилиниши тадбиркорлик ривожига улкан туртки берувчи ижобий

омиллардан бири. Бинобарин, янгилаётган Конституцияда банк сирини билан боғлиқ жараёнларнинг ҳар бири – банк операциялари, омонатлари ва ҳисобварақларнинг алоҳида кўрсатиб ўтилгани хусусий сектор вакиллари манфаатига мослиги билан аҳамиятлидир.

Илгари қонунларимизда банк сирини сақлаш боғлиқ нормалар кўзда тутилган бўлса-да, амалда таъминланмагани ва оқибатда бу тадбиркорларга қўллаб қўйинчиликлар туғдиргани яхши маълум. Эндиликда ушбу муҳим масалаларнинг конституция даражасида ечимини топиши тадбиркорлар, ишбилармонлар учун айни муддао бўлди.

Иккинчидан, тадбиркорлар учун муҳим бўлган бир қанча нормалар янгилаётган Конституциянинг XII бобида баён қилинганини кўриш мумкин. Жумладан, 65-моддада Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, қолаверса, давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши аниқ-равшан белгилаб қўйилмоқда.

Эътиборлиси, жорий йилда ташкил топганининг 20 йиллигини нишонлашга тайёрланаётган О'зЛиДеР дастурий ҳужжатларида ҳам йиллар давомида ушбу масалалар мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Чунки адолатли, барча учун тенг шароит яратиш берувчи рақобат муҳити тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Кимнингдир бозорда устун, бошқаларнинг аксинча мавқеда бўлишига чек қўяди. Мавжуд ресурслардан фойдаланишда барчага бирдек имконият яратди. Бунинг натижасида нафақат тадбиркорлик жадал ривожланишига эришилади, балки бутун жамият ҳам жуда катта нафۇ қилади.

Адолатли рақобат муҳитининг шаклланиши бозор муносабатларининг такомиллашиб, ривожланиб боришига асос яратди; бозорда маълум товарлар нархларининг асоссиз ўсишининг олдини олади; бозорда товар ва хизматларнинг ҳажми, тури ва сифатининг ошиб боришига, нархларнинг эса пасайиб боришига олиб келади; ўзаро рақобат ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига янги технологияларнинг, инновацияларнинг жалб қилинишини тезлаштиради, бу эса иқтисодиётнинг модернизациялашуви, замонавийлашуви олиб келади, мамлакат иқтисодиётининг жаҳондаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Санаб ўтилган жиҳатлар қўллаб қўлларда тадбиркорлар ва бутун жамият манфаати қанчалик уйғунлашиб кетганини, тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароит пировардид ҳамият тараққиёти, мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир қилишини яққол кўрсатиб турибди.

Янгилаётган Конституцияда ушбу нормаларнинг акс эттирилиши давлат тадбиркорлик ривожини мамлакат, жамият ривожининг муҳим бир шарт сифатида қараётганидан, бунинг учун зарур бўлган бозор муносабатларини ривожлантириш, адолатли рақобат муҳитини таъминлаш каби масалаларнинг давлат ҳимоясига олаётганидан дарак бермоқда. Бундай ёндашувлар мамлакатимизда тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда янги бир даврнинг бошланиши бўлади, дейиш мумкин.

Ана шу тамойилларнинг мамлакат Бош қомусида акс этишини О'зЛиДеР юртимизда мазкур соҳада олдинга ташланган дадил қарар сифатида билади. Уйлаймизки, бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини шакллантиришга бундай ёндашув, албатта, келажақда тадбиркорликнинг янада тараққиёти топишига бекиёс ижобий таъсирини кўрсатади.

Ушбу модданинг кейинги хатбoshiлари нафақат юртимизда тадбиркорлик тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган, балки очик, фуқаролик жамияти асосларини яратишда, қолаверса, чет эл сармоядорларининг мамлакат иқтисодиётига қизиқишини оширишда ҳам ғоят муҳим бўлган тамойилларни ўзид ҳам қамраб олгани билан ажралиб туради. Аҳамиятдан келиб чиққан ҳолда уларни тўлиғича келтирамиз:

“Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллари ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас”.

Ушбу жуда муҳим қондалар мулкчилик шакллари, хусусан, хусусий мулк дахлсизлиги давлат ҳимоясида бўлишини кўрсатади. Мазкур конституциявий норма тўғрисида муаллифлар томонидан қатор тушунтиришлар берилди. Чунки Конституцияда хусусий мулкка нисбатан бундай ёндашувнинг қарор топиши нафақат мулкчилик масалалари

нуқтаи назаридан, балки юртимизда қарор топаётган очик ва эркин жамият асосларини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ҳам базавий аҳамиятга эга. Биз уларни такрорлаш фикридан йироқмиз. Фақат шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчи эдикки, давлат хусусий мулк дахлсизлиги кафолатини ўз зиммасига олар экан, мулкларнинг бошқа шакллари каби хусусий мулкка ҳам ҳеч ким ноқонуний дахл қила олмаслигини билдиради.

Албатта, ушбу норма мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш учун энг муҳим базавий кафолатлардан бири бўлиб қолади. Мазкур муҳим ғоянинг конституциявий даражада қатъий белгилаб қўйилиши нафақат маҳаллий тадбиркорларга, балки Ўзбекистонга сармоя киритиш истагига бўлган чет эл сармоядорларига ҳам ишончли сигнал ролини ўтайди, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатда тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришга дахлдор муҳим нормалар янгилаётган Конституциянинг 66-, 67-, 68- ва бошқа бир қатор моддаларда ҳам атрафлича ўз ифодасини топган. Уларда мулкдорларнинг ўзига тегишли мол-мулкка ўз хоҳишича эғалик қилиши, давлат қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши каби қатор муҳим қондалар ифодаланган.

Айниқса, эрининг белгиланган шартлар асосида хусусий мулк бўлиши мумкинлигига оид нормани алоҳида тилга олиб ўтиш зарур. Конституция тегишли моддасининг ушбу норма билан тўлдирилиши, ҳеч бир муболағасиз, мамлакатда мавжуд ер муносабатларига инқилобий ўзгариш олиб киради. Бу қонидан конституциявий даражада белгилаб қўйилиши юртимизда тадбиркорлик раванқига ниҳоятда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Ишончимиз комилки, янгилаётган Конституцияда ўз аксини топаётган ана шу бир неча норма шу вақтгача тадбиркорларни қийнаб келаятган талай муаммолар ҳал қилинишига ҳам, яратилаётган янги имкониятлар орқали мамлакатимизда тадбиркорликни янги босқичга олиб чиқишига ҳам хизмат қилади.

## ЖАМИЯТДАГИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

Ҳар қандай жамиятда тадбиркорликнинг, ишбилармонлик муҳитининг ривожланиши соҳага яратиб берилаётган имкониятларгагина боғлиқ бўлмайди. Жамиятнинг ажралмас бир қисми сифатида бу соҳаларнинг ривожини қўллаб бошқа омиллари ҳам боғлиқки, улар орасида ушбу жамиятдаги тинчлик-осойишталик, барқарорлик, унда яшаётган аҳолининг бугунги кундан розилиги ва эртанги кунга ишончи ҳам ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Фақат ва фақат шундай шароитда тадбиркорлик ривож топади, туркираб ўсилади.

Шу нуқтаи назардан ёндашилганда янгилаётган Конституциянинг мамлакатда тадбиркорликни тараққиёттириш, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш учун бекиёс аҳамияти кўзга ташланади. “Инсон қадрини” тамойилнинг ҳаётга татбиғи сифатида илгари сурилаётган янги Конституция ўзининг ижтимоий йўналтирилганлиги билан жамиятда айнан ана шундай муҳитни шакллантириш мақсадини ўз олдига қўйганини тушуниб олиш қийин эмас.

Эътибор беринг, янги таҳрирдаги Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ошмоқда! Ваҳоланки, бозор иқтисодиётга ўтган аксарият давлатлар ўзини бундай мажбуриятлардан халос этишга интилади. Ўзбекистон эса конституция даражасида ана шундай маъсулятини ўз зиммасига олиб, мамлакатимизда айнан инсон қадрини устувор қадриятлигини яна бир бор амалда исботламоқда.

Давлат инсон манфаатлари йўлида ҳар қандай жамиятда барча аҳоли қатламларининг давлатга ишончи ҳам ошади. Жамиятда тинчлик, барқарорлик, эртанги кунга ишонч мустаҳкамланади. Шундай экан, партияимиз учун, унинг электорати сирасига кирувчи тадбиркорлар, мулкдорлар ва фермерлар учун янгилаётган Конституцияда аҳоли турли қатламларининг ижтимоий ҳимоя қилинишига оид нормаларнинг, қолаверса, ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга қаратилган янги қондаларнинг акс этаётгани бешиҳоя муҳимдир.

Буларнинг барчаси мамлакатда тадбиркорлик, фермерлик билан, умуман, бунёдкорлик билан шуғулланувчи қатлам манфаатларига ҳам тўғридан-тўғри дахлдор, ушбу соҳаларнинг ривожига бевосита таъсир қилувчи омиллари.

Мазкур интилишлар замирида қандай эзгу мақсадлар қўзланганини яхши англаган ҳар бир тадбиркор, фермер ёки ишбилармон ва

инвестор янгилаётган Конституция ўзи учун, ўз фаолияти учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини англа олиши ва айнан шундай конституция яратиб берадиган имкониятлар шароитида яшаш ва ишлашни хоҳлаши аниқ.

## ЭРКИНЛИК ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Шу кунларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”-ги конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган турли давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирлар қўллаб-қўллар қаторида “Биз эркинлик учун овоз берамиз!” шiori остида ҳам ўтказилаётгани бежиз эмас.

Янгилаётган Конституция инсон манфаати, инсон ҳуқуқларини, шу жумладан, инсон эркинликларини таъминлашни олий қадрият даражасига олиб чиққанини кўришимиз мумкин. Шундай эркинликлар орасида тадбиркорлик эркинлиги, мулкка эғалик қилишдаги эркинлик каби қатор муҳим ҳуқуқлар Бош қомусида ўз аксини топганлиги муҳимдир.

“Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”, “Давлат... иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”, “Мулкдорлар ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эғалик қилади”, “Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли” ва бошқалар... Мана шундай муҳим нормаларнинг Конституцияда дарж этилиши тадбиркорлик эркинлигига қанчалик катта ўрин ажратилаётганини кўрсатади.

Мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуққа эга эканлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши фуқароларнинг сиёсий эркинликлари билан бир қаторда иқтисодий фаолият эркинлиги ҳам конституцияда мустаҳкамланаётгани, мамлакатда иқтисодиётнинг эркин ривожланиши учун муҳим асос бўлган иқтисодий фаолият эркинлигига кенг шароит яратиб берилаётганини кўрсатади. Ўз навбатида, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлиги ҳар бир шахснинг ўз иқтидори ва мулкни қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай турдаги тадбиркорлик тури билан шуғулланишига йўналтириши, ерга, ишлаб чиқариш воситаларига, бошқа турдаги мулкларга эғалик қилиши, қўлга киритилган фойдадан эркин фойдаланишини кафолатлайди.

Конституцияда адолатли рақобат муҳитининг яратилиши борасидаги нормалар ҳам ўз аксини топганини инобатга олсак, тадбиркорлар учун эркин фаолият олиб бориш майдони қанчалик кенгаётгани ва мустаҳкамланаётгани аён бўлади.

Буларнинг барчаси янгилаётган Конституцияда ҳар бир тадбиркор, фермер, ишбилармон ва мулкдор, қўйинки, тадбиркорлик истагига бўлган ҳар бир фуқаро мулкка эғалик, тадбиркорлик фаолиятини эмин-эркин амалга ошириши учун зарур ҳуқуқий-конституциявий асослар аниқ ва пухта белгилаб берилганини намойён этади. Эркин фаолият учун етарли ҳуқуқий асослар яратилган жойда эса тадбиркорлик ҳар томонлама тараққиёт этади, фуқаролар қобилияти ва салоҳиятини тўлақонли равишда ишга солиш, кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

## ТАДБИРКОРЛИК ВА ЖАМИЯТ: ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА АКС ЭТГАН МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Бу Конституцияда тадбиркорлар ва фермерлар, ишбилармонлар ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилувчи асослар анча кучайтирилганини кўриб турибмиз. Юқорида имкон даражасида таҳлил этилган нормалар қабул қилинаётган ҳужжатдан аҳолининг ушбу энг фаол қатлами нимани кутиши мумкин, деган саволга қисман жавоб беради. Лекин саволни бошқачароқ қўйсак-чи, яъни янгилаётган Конституция тадбиркорларга нима беради эмас, балки мамлакат ва халқ тақдирини, унинг бугуни ва эртасини белгилайдиган қо-

мусда тадбиркорларга қандай ўрин ажратилган? Агар ушбу муҳим ҳужжатни диққат билан ўқисак, унинг тайёрланишида бежиз халқ фикрига таянмаганига ишонч ҳосил қиламиз. Шу орқали бир томондан унинг халққа, ҳар бир инсон манфаатларига хизмат қилиши таъминланган бўлса, иккинчи томондан мамлакат тараққиётининг янги даври конституцияси умумий мақсадлар сари одимлашда халқнинг барча қатламларини бирлаштириш вазифасини ҳам бажаришига ишонч ортади.

Конституцияда кўзга ташланадиган бундай манфаатлар уйғунлигини тадбиркорлар мисолида кўриб чиқамиз. Хусусан, юқорида таҳлил қилганимиз – конституция лойиҳасидан ўрин олган адолатли рақобат муҳитини шакллантириш масаласини олсак. Қайд этганимиздек, тадбиркорликни ривожлантириш учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ушбу муҳит фақат тадбиркорлар учун эмас, балки бутун жамиятнинг фаровонлигини таъминлаш учун ҳам зарур.

Яна бир мисол. Хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳам нафақат тадбиркорларнинг эртанги кунга ишонч билан фаолият юритиши учун, балки Ўзбекистон интилаётган очик, кучли фуқаролик жамиятининг барпо этилиши учун ҳам мамлакатда мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан, хусусий мулкчиликнинг барқарор ўрин эгаллаши ниҳоятда муҳим.

Албатта, янги таҳрирдаги Конституциядан ўрин олган нормалар мисолида бунга яна қўллаб-қўллар келтириш мумкин. Лекин шунинг ўзидек тадбиркорлар ва жамият манфаатлари, интилишлари мамлакатимизда қанчалик уйғунлашиб кетгани, тадбиркор учун манфаатли жараёнлар жамият фойдасига ишлашини ҳам кўрсатиб турибди.

Тадбиркорликнинг ривожланиши жамият фаровонлигига, хусусий мулк дахлсизлигининг таъминланиши фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари мустаҳкамланишига бевосита хизмат қилади. Айтиш мумкинки, янгилаётган Конституция нафақат тадбиркорлар ва фермерлар манфаатлари кўзлаб киритилган нормалар билан диққатга молик, балки ушбу қатлам манфаатларининг бутун жамият манфаатлари, интилишларининг ажралмас бир бўлаги, муҳим таркибий қисми сифатида қаралаётгани билан ҳам эътиборга сазовор.

Демак, Бош қомусимизда тадбиркор ва фермер, ишбилармон ва инвесторга ушбу ҳужжатда берилаётган имкониятларнинг фақат фойдаланувчиси сифатида эмас, балки янги жамиятни барпо қилиш йўлида белгиланган вазифаларни амалга оширишда энг муҳим таянч устунлардан бири сифатида қаралаётгани билан ҳам алоқадор.

Демак, Бош қомусимизда тадбиркор ва фермер, ишбилармон ва инвесторга ушбу ҳужжатда берилаётган имкониятларнинг фақат фойдаланувчиси сифатида эмас, балки янги жамиятни барпо қилиш йўлида белгиланган вазифаларни амалга оширишда энг муҳим таянч устунлардан бири сифатида қаралаётгани билан ҳам алоқадор.

Мустақил тараққиётда “Янги Ўзбекистон” деб номланувчи янги босқичга кирган мамлакатимизда фаровон юрт, очик ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг иқтисодий асосларини яратиб бериш миссини бажаришга кўмаклашиш партиядан ўз дастурлари, низомий ҳужжатларини ривожланишининг янги палласида ўз электорати олдига турган янги вазифаларга тезлик билан мослаштириши, ўз фаолиятини ушбу талаблар даражасига олиб чиқиши зарурат қилиб қўяди.

Уйлаймизки, тадбиркорларимиз, фермерларимиз, мулкдорларимиз янгилаётган Конституция замиридаги ушбу мантқиқий тўла англаган ҳолда, ўзларини нафақат Асосий қонун яратиб бераётган имкониятлар фойдаланувчиси, балки унда кўзланган мақсадлар ижодкори сифатида ёндашадилар, ана шу фикр билан яқинлашиб келаётган референдумда фаол иштирок этадилар.

Барчангизни янгилаётган Конституцияимизни қўллаб-қувватлаб овоз беришга қақирамиз!



Бахтиёр ЯКУБОВ,  
О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши  
Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

# ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ



## АЪЗОЛИГИГА САЙЛАНГАНЛАР

Шу йилнинг январь-февраль ойларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолиги учун сайлов очик, ошкора тарзда ўтказилганидан, саралаш қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлганидан яхши хабардорсиз.

Талабгорлар орасидан энг фаол, ташаббускор, зукколарини аниқлаш тажрибали ва талабчан ҳакамлар ҳайъатига ҳам осон бўлмади. Номзодлар ёшларга оид муаммоларга ечимлари, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлари, билими ҳамда ҳозиржавоблиги билан бирга нотиклик маданияти, ўз лойиҳаси мазмунини тингловчиларга тўлиқ етказа олиши ва шу каби мезонлар асосида синовдан ўтказилди.

Қувончлиси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод бўлган 53 йигит-қиз Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг тегишли қарорига мувофиқ Ёшлар парламенти аъзосига айланди.

Партия жамоаси сайловда ғолиб бўлган ёшларни қутлаб, билдирилган юксак ишончни оқлаши, самарали ва сермахсул фаолият юритиши йўлида омад ва зафарлар тилайди.



## САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ БИТИРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

5-6 май кунлари СамМИ битирувчиларининг II форуми ўтказилади (расмий тадбирлар 6 май кунига режалаштирилган).

Ташкилотчилар – СамДТУ ва СамМИ битирувчилари ассоциацияси. Форум доирасида муассасани турли йилларда тамомлаган, Ўзбекистон ва хоризда истиқомат қилаётган битирувчилар учрашуви режалаштирилган.

Унда иштирок этиб, сиз устозларингиз, ҳамкасбларин-

гиз билан учрашасиз, касбий ва ҳаётий муваффақиятлар билан ўртоқлашасиз.

Форумдаги илиқ ва дўстона муҳит барча иштирокчилар учун мулоқот қилиш, ижодий ва касбий ривожланиш имкониятларини яратеди.

Форумда иштирок этиш истагида бўлганлар битирувчилар ассоциациясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел.: 97 399 44 35.



SAMARQAND DAVLAT  
TIBBIYOT UNIVERSITETI



ЭЪЛОН

SAMMI BITIRUVCHILARINING  
II FORUMIDA ISHTIROK ETISHGA  
BARCHANGIZNI CHORLAB QOLAMIZ



SamDTUda 2023-yil 6-may kuni bo'lib o'tadigan  
anjumanga taklif qilamiz!

ОЙНА

# МАШИНАГА ҚЎШИБ ИНСОФНИ ҲАМ ЮВИШ КЕРАК-ДА!

**БИЛАМИЗ, ҲАР БИР ЯНГИЛИК ЭХТИЁЖДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ. ТАДБИРКОРЛИК ТУРЛАРИ ҲАМ. СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ОДАМЛАР ОРТИРГАН ДАРОМАДЛАРИ ҲИСОВИДАН (МАЙЛИ, КРЕДИТ ЁКИ ЛИЗИНГГА БЎЛСА-ДА) ЕНГИЛ МАШИНАЛАР ХАРИД ҚИЛИШГА РУЖУ ҚЎЙИШДИ. КИМДИР ИШГА ҚАТНАШ ЗАРУРИЯТИ ТУФАЙЛИ БЎЛСА, ЯНА КИМДИР КИРА-КАШЛИК ҚИЛИШ МАҚСАДИДА.**

Енгил машина кўпчилиги учун гўё давлатлик белгисига айланган ҳам бор гап. Автомобиллар сони кескин кўпайгани уларга хизмат кўрсатувчи турли шохобчалар – эҳтиёт қисмлар дўконлари, таъмирлаш устахоналарига бўлган талабни бир неча Ҳисса ошириб юборди.

Кўзига, ҳар қадамда учрайдиган машина ювиш шохобчаларини айтманг! Бугунги мавзу шу ҳақда.

Баҳоргио кўзги ёмғирлар мавсумида ва яна ёзнинг чанг-тўзонли кунларида ушбу хизмат турига талаб ҳаддан ташқари ортиб кетади. Ҳатто турнақатор навбатлар пайдо бўлади. Чунки фалон миллион сўмга харид қилган машинаси ифлос, кир-чир юришини ҳеч ким хоҳламайди. Қолаверса, ИГХ ходимлари туман марказлари ва шаҳарларда ювилмаган енгил машиналарга кўзи тушиб қолса, жаримага тортишиши ҳеч гапмас.

“Хоразм ҳақиқати” газетасида вилоят маркази бўлимиш Урганчда ёмғирдан кейинги кўзиқориндек кўпайиб бораётган ана шундай “автомойка”лар аҳоли истиқомат қиладиган манзилларда фаолият юритаётгани, бу эса турли норозиликлар келтириб чиқараётгани ҳақида бир неча марта танқидий чиқишлар қилинди. Лекин бу мақолалар ҳам одатдагидек яна кўмга сингган сувдек исиз кетди. Бирор масъул раҳбар ёки идора мик этмади. Навбатдаги сукут ҳам сақланиб турибди.

Одамларнинг бу борада кескин эътироз билдираётганини тўғри тушуниш керак. Биринчидан, қим ҳам кечая кундуз ишлайдиган бундай шовкин-суронли шохобча ёнгинасида яшашни хоҳлайди? Иккинчидан...

Айни шу иккинчи деб аталаётган сабаб, аслида биринчи масала ва муаммо бу – атраф-муҳитнинг булғаниши билан боғлиқдир!

Хуш, мой ва лойга ботган машиналарни

ювишда ишлатилаётган сувлар қаерга оқизилмоқда?

Шаҳар шароитида ташлама сувлар умум фойдаланадиган оқова сувлар тизимига, қишлоқлар шароитида эса тўғридан-тўғри зейкаш (захкаш)лар ва ҳатто оқар сув йўлига оқизилади.

**Дунё миқёсида ичимлик суви тобора улкан муаммага айланаётган бир замонда бизнинг “устамон тадбиркорлар”имиз ҳар кун-ҳар соатда миллион-миллион куб тоза ичимлик сувларини канализация ёки ариқларга оқизаштаётгани тўғри...ми?!**

Ва яна машиналар тоза ювилиши, ялтираб туриши учун қўшимча кимёвий қўшилмалар ишлатилаётгани-чи? Эҳ-ҳе, ташлама сувлар экологияни, бир сўз билан айтганда, она табиати булғашганини тасаввур қилиш учун катта ақл шартмас.

Ўйлайлик, айримлар ўзларини турли баҳоналар билан оқлаётганидек, бу чиқинди сувлар бир кунда буғланиб, ҳеч қачон осмонга учиб кетмайди. Ариқ-зовурларни ифлослантиради, улардаги турли хил фойдали жонотларга қирон келтиради. Чор атрафга зарарли ва турли касалликлар келтириб чиқарадиган майда заррачалар тарқатади.

Айниқса, бизнинг Хоразм тарафларида аҳоли ариқ ё зовурларда етиладиган баллиқларни овлаб, истеъмол қилишини айтадиган бўлсак... бу ҳолатнинг нақадар даҳшатли кургиликларга сабаб бўлиши мумкинлигини англаш мумкин.

Сўнги бир йилда вилоятнинг асосий жонтомири ҳисобланган “Урганч – Ҳазорасп” шаҳарлараро автомобиль йўлининг ҳар икки чеккасида ўнлаб шундай машина ювиш жойлари очилди. Деярли ҳар ҳафта битта янгиси пайдо бўляпти. Бу бир томондан йўл ҳаракатига халақит қилса, иккинчидан, атраф-муҳитга ҳам жиддий зарар етказмоқда.

Яқинда бу оғриқли мавзунини ўрганиш баҳонасида бошқа ишларини ташлаб айнан ана шу сердаромад “тадбиркорлик” турини танлаган бир танишим билан гаплашган, мен билмаган яна бошқа кўп сирлар ҳам аён бўлди.

Билишимча, “мойка” очиш ҳам бугунги кун табири билан айтганда, ўзини банд қилиш ҳисобланади. “Ҳар ойда давлатга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварича солиқ тўлаймиз, холос, – деди ўша йилги. – Айрим кунлари камида 200-300 минг сўмга



ча даромад топиш мумкин. Ёгингарчиликдан кейинги кунларда эса янаям кўпроқ фойда қолади”...

Гурунг орасида шохобчасини аҳоли зич яшайдиган ҳудудда қургани боис ундан ташлама сувларини нима қилаётгани билан қизиқдим. Айтдики: “Махсус ховузча қурганимиз. Ўша қудуқ тўлса, ташландик сувини махсус машиналарда чиқариб ташлаймиз”.

“Қаерга?” деган саволимга у ажабланди-да: “Мен қаердан биламан қаерга тўкиб ташлашни? Айтган пулини бераман, қолгани ҳалиги ҳайдовчининг муаммоси”...

Энди тушундирганим бу мавзунинг нақадар долзарб ва зудлик билан чора кўрилиши шарт бўлган оғир муаммо эканлигини!

Менинг бу “автомойка”да кимлар ишлайётгани борасидаги саволимга унинг берган жавоби янада ачинарли бўлди: “Елланма ишчилар топганим. Кунлик тушган пулни тенг равишда тақсимлашга келишгандик. Бириси уч ой, яна бири беш ойча ишлаб, охири ташлаб кетди. Айтишларича, бирови бўгин оғриги хасталиги орттирибди. Кун

бўйи совуқ сувда ишлаш зарарли-да! Ўзининг болаларим ҳам бир неча кун ишлаб, бўлмади, раҳим келди ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш усулини танладим. Биз мижозларга фақат кимёвий қўшимча ва сув берамиз. Ўн дақиқасига 15 минг сўм тўлайди”.

Ана сизга муаммонинг яна бир оғриқли томони!

Ақсар шохобчаларнинг “Ўзинг юв!” усулига ўтиши беҳизмас. Ҳимоя воситалари йўқлиги, иш шароити оғирлигидан бу “касб”га бош урадиганлар камайиб борапти. Уч-тўрт сўм пул топаман деб соғлигини йўқотишни ким ҳам хоҳларди?!

Тадбиркорликнинг ушбу тури кескин ривожланган шароитда атраф-муҳит тозаллиги учун масъул бўлган табиати муҳофаза қилиш инспекцияси фаол ва виждонан ишлаши керак, аслида. Минг афсуски, ҳали бирор ОАВда ёки манбада “атраф-муҳитни булғашгани учун” жаримага тортилгани ёки фаолияти тўхтатилганини кўрмадим, эшитмадим.

Қолаверса, бу борада назоратни куचाйтираман деса, санитария-эпидемиоло-



гик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимларига ҳам иш тикилиб ётибди. Сабаби...

Йўл чеккалари ҳамда бошқа айрим ҳудудларда машина ювиш хизматлари асосан ошхоналарга ёндош қўрилган. Бу гўёки мижозга ҳайдовчи овқатланиши ва машинасини ювиб олиши мумкин. Аслида-чи, шундоққина ёнма-ён жойда гуриллаб ишлаб ётган ҳар икки хизмат кўрсатиш мажмуаси фаолияти бир-бирига тамомилан зид эканлигини уларга изн берган масъул идоралар наҳотки билишмасе?!

Машина ювиш учун ишлатиладиган махсус кимёвий воситаларнинг маълум бир қисми сув билан буғланиб, ҳавога кўтарилиб, охири-охири ошхонада иштаҳаси қарнай бўлиб ўтирган хўранданнинг овқатига тушмаётганига ким қасолат бера олади?

Хуллас, бу мавзуга яна қайталик.

Рўзимбой ҲАСАН,  
“XXI asr” мухбири

**ЭЪЛОН**

Шу йилнинг 30 апрелида бўлиб ўтадиган референдумда партиямизнинг тарғибот-ташвиқот тадбирлари учун бачанер, футболка, кепка, пакет, блокнот, флаер, буклет, плакат, ручка ва штендер тайёрлашда ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларни ҳамкорлик қилиш учун таклиф этамиз.

**Мурожаат учун:**  
**(71) 254-93-47**  
**телефон рақами ва партиямизнинг uzlider.uz сайти орқали боғланиш шингиз мумкин.**

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВ, ЮҚОРИ СИФАТ “MIRZACHO'L AGRO QURILISH LOYIHA” ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИДАН



**МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИ СОҲА ХОДИМЛАРИ ОЛДИГА МУҲИМ ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА. ЯНГИ ШАҲАРЛАР, ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИ, ИНШОТЛАР ҚАД РОСТЛАЁТГАН НА-ФАҚАТ БИНОКОРЛАРНИ, БАЛКИ ШУ ТАРМОҚ УЧУН МАСЪУЛЛАРДАН ҲИСОВЛАНАДИГАН ДИЗАЙНЕРЛАРНИ ҲАМ ЎЗ ИШИГА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ, ЯНГИЧА ЁНДАШИШГА, ЮКСАК МАЛАКА АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШГА УНДАМОҚДА.**

Сирдарё вилоятидаги “Mirzacho'l agro qurilish loyiha” масъулияти чекланган жамияти архитектура-қурилиш соҳаси ривожини янги бошқича кўтараётган, юқоридаги талаблар асосида иш олиб бораётган ташкилотлардан. У шу жиҳатдан буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Ушбу жамиятга 10 йил аввал асос солинганда қисқа даврда вилоятдаги нуфузли, йирик лойиҳа ташкилотига айланишига кўпчилик ишонмаган эди. 30 дан ортиқ лойиҳачини бириктирган жамоа асосий эътиборни замонавий иншоотлар лойиҳасини танлашга қаратди ва ҳар бир ба-жарилган ишни тегишли комиссияга асослаб берди. Лойиҳалар сифатли, мукамал бўлса, талаб ҳам шунга яраша бўлиши амалда ишотини топди. Буни жамиятнинг кейинги тўрт йил оралиғидаги буюртмаларни ба-

жаргани мисолида кузатиш, кўриш мумкин. Келинг, улардан айримларига тўхталамиз.

Масалан, жамиятнинг Гулистон туманидаги “Саломатлик йўлаклари” лойиҳаси аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадидаги буюртмага кўра тайёрланган бўлиб, қиймати – 3 072 180 716 сўм. Сайхунобод туманида ҳам шу номдаги лойиҳа қиймати 3 633 686 521 сўмни ташкил этди.

Шу қаторда Ширин шаҳридаги Ёнғин хавфсизлиги қисми учун қўшимча бинолар (лойиҳа қиймати 5 642 198 506 сўм), “Микрокредит-банк” (8 833 783 771 сўм) ва чегара қўшилари учун стандартларга мувофиқ бино (лойиҳа қиймати 8 047 392 335 сўм)ни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Ташкилот ижтимоий соҳа объекларини лойиҳалашда ҳам фаол. Масалан, Гулистон шаҳрида қурилган мактабгача таълим ташкилоти (4 578 966 384 сўм) ва Мирзаобод туманидаги 5-МТТ (3 587 563 910 сўм) шулар жумласидан.

Боёвот туманидаги 25-умумтаълим мактаби қурилиши лойиҳаси (7 221 720 573 сўм) ҳам диққатга сазовор. Шунингдек, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун Оқолтин туманидаги “Шодлик” ва “Кўклам диёр” (488 259 960 сўм), “Оқолтин саховат” (778 745 580 сўм), Ховос туманидаги “Бунёдкор” (444 862 327 сўм), Мирзаобод туманидаги “Наврўз” (145 746 117 сўм) каби кичик саноат зоналари лойиҳаларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Албатта, бу вазибаларни сифатли, маромига етказиб бажариш катта меҳнат, фидойилик талаб этади. “Mirzacho'l agro qurilish loyiha”да ана шундай заҳматкаш жамоа тўпланган. Ш. Яхшибоев, Ш. Абдуллаев, Т. Абдуазимов, Б. Эшхонов сингари ўз ишининг усталари янги ишлар ўстида тинимсиз изланишда.

– Давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташрифларидан бирида бошқа соҳалар, тизимлар қатори жамоамиз тайёрлаган кўп лойиҳа-



ларни кўздан кечирганидан сўнг биз, тадбиркорларга “Вилоятдаги етакчи лойиҳа ташкилоти” мақомини бергани жамоани руҳлантириб юборди, – дейди “Mirzacho'l agro qurilish loyiha” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилшод Файзуллаев. – Айниқса, шаҳарсозлик қойдаларини тақомиллаштириш ҳамда халқаро меъёрларга мослаштириш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Эндиликда халқаро стандартлар асосида тайёрланган лойиҳаларга техник кенгаш хулосаси олиш тартиби бекор қилинди. Хорижда экспертизадан ўтказилган лойиҳалар тўғридан-тўғри тан олинди. Лойиҳаларни тайёрлаш мuddатини камайитириш мақсадида “Шаффоф

қурилиш” дастурида электрон каталог яратиб, ижтимоий объекларнинг намунавий лойиҳалари жойлаштириб борилиши ва ундан барча буюртмачилар ҳамда лойиҳа пудрат ташкилотлари эркин фойдаланиши мумкинлиги узоқ кутилган истиқболли жараёнлардир.

Эътирофга муносиб тарзда ҳаракат қилиш ҳозир жамоанинг бош мақсадига айланган. Таъкидлаш жоизки, дизайнер лойиҳачилар иншоотлар лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда уларнинг техник ҳолати яроқлилигига оид хулоса беришни ҳам ўз зиммасига олган.

Юқорида санаганларимиз жамоа ютуқларининг ҳаммаси эмас. Сўнги тўрт йилда 20 дан зиёд ишти-

мой соҳа объеклари лойиҳалари тайёрланиб, жойларда иш жараёни қатъий назоратга олинди ва ақсарияти қурилиб фойдаланишга топширилди. Қолганлари ҳам белгиланган мuddатларда юқунланиши режалаштирилган. Юртимизнинг барча ҳудудларидаги мукамал меъёрий ечимларга эга турли иншоот, бинолар, комплекслар соҳа ходимларининг машаққатли меҳнати, изланиши самарасидир. Уларнинг келгуси ишларида улкан муваффақият ва ютуқлар ёр бўлсин.

Гулжаҳон АШУРОВА

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

Хар қандай салтанат ақл, адолат, куч пойдевориди қад тиклайди. Тангри салтанат тегирмони...

АМИР ТЕМУР БАЙРОҒИДАГИ УЧ ҲАЛҚА
ЁХУД “МИНГ АСКАР” ЖАНГ САНЪАТИ ХУСУСИДА



касб этган. Сўнгги машқ “Тошбақа – темир қалқон”ни эгаллаган аскар тани ва руҳида йиғилган кучни жамлаб, бир қалъа қуриб, ҳар бир қадамни билб босгучи, рақибга заррача устунлик имкони қолдирмайдиган, сокин, доно алп сифатида турғи оромига кетган.

Соҳибқирон Амир Темур даврига келиб “Минг аскар” жанг санъати оммавий тус олган. Амир Темур унбоши, юзбоши, мингбоши, амирларни тайинлашда номзодларнинг қанча жанг усулини билишига ҳам алоҳида эътибор берган.

Олтин – қудрат берувчи маъдан. Олтин қурол жангчини товуснинг ҳолатига солган. Товуснинг жаҳли чиқмайди. Шунча зеб-зийнати, гўзаллиги бўлса-да, секин юради.

“Минг аскар” жанг санъати машқларини оммавий ўтказиш, урушда қўллаш тартиби ҳам бу санъатга асос қилиб олинган товус табияти, хатти-ҳаракатларига уйғун келади.

Уста Маджу тез-тез қайтарувчи яна бир гап бор: “Қадим туркий жанг санъатининг ‘минг аскар’ деб аталишига сабаб унда минг жанг усулининг борлигига эмас, бу бир аскарнинг минг усулини эгаллаб, минг аскарга айлана олишига ишорадир.

“Минг аскар” жанг усуллари фақат урушиш йўл-йўриғи эмас, айна дамба мустаҳкам соғлиқ, жисмоний-руҳий қувват машқларидир. Бу машқларни мунтазам равишда бажарган киши соғлом бўлган, умрига умр қўшилган.

Ўзбекистон аскарларини “Минг аскар” мақомида кўрайлик, дунё шундай танисин!

Шомирза ТУРДИМОВ, филология фанлари доктори, фольклоршунос олим

ўз ҳаётида кечирган суронли воқеалар имкон бермайди. Соҳибқирон шонли юришлари аввалида кечган Алибек тутқунидан озод бўлган пайтларини эслаб айтиди: “Кучли ва чаққон билаларим иш бериб, соқчилардан бирининг қўлидан қиличини тортиб олдим-да, уларга ҳамла қилган эдим, бариси қочиб қолди”.

Кўлар ўз-ўзидан чаққон ва кучли бўлмайди. Кучни куч илми пайдо қилади, маҳоратга пайваста этади.

Амир Темур салтанат тузган экан, лашкарининг кучу қудратини дўсту рақиб тан олган экан, ўзи ва лашкари куч илмидан хабардор бўлиши шарт эди.

Айтилади: “Бор йитмас, йўқни йўндириб бўлмас!”.

Қадим туркий жанг санъати “Минг аскар” устаси – Машарип (Машраб) Жуманиёзов – уста Маджу билан суҳбатлашиб, халқимизда бутун борлиқ моҳияти билан уйғун, фалсафий мифологик дунёқарашлар асосида шаклланган, қатъий тизимга эга – бир аскарга минг аскар кучу қудратини берувчи жанг илми бўлганлигини билдик.

Уста Маджунинг ота-боболари – “Жума учар”лар авлоди бу илм сирларини авлоддан-авлодга ўтказиб, шу кунгача сақлаб келишган. Уста Маджу айтиди: “Жанг санъати уч тумор (ҳалқа), ўттиз уч йўл, бир бутун тизимдан иборат.

Ақлажар авлоди бу илм сирларини авлоддан-авлодга ўтказиб, шу кунгача сақлаб келишган. Уста Маджу айтиди: “Жанг санъати уч тумор (ҳалқа), ўттиз уч йўл, бир бутун тизимдан иборат.

Эътибор беринг: уч ҳалқа – 1-тонг отиши, 2-туш вақти, 3-кун ботиши. Тумор (ҳалқалар) нинг жойлашуви Амир Темур байроғидидаги уч ҳалқа тасвирига ҳам мос келади.

гунига қадар вақт оралиғида бир-бир жойлашади.

“Минг аскар” жанг йўлларининг тартиби: 1. Товус тонги. 2. Шамол қилич. 3. Аскарлар ўйини (1). 4. Қанотли пичоқ. 5. Теза кўз. 6. Соя ўйин (1). 7. Ёввойи от. 8. Қўша таёқ. 9. Қурол ўйин (1). 10. Оловли йўл. 11. Аскарлар ўйини (2). 12. Чаён Ҳимояси. 13. Ялтироқ қилич. 14. Сехрли таёқ. 15. Довжурок лочин. 16. Енгилмас асо. 17. Қайсар қурол – жабр қурол – қайтар қурол. 18. Заҳарли найза. 19. Оловли бархан. 20. Олтин қурол. 21. Қўша қилич. 22. Бўри ови. 23. Аскар ўйин (3). 24. Йилдириш қилич. 25. Қурол ўйин (2). 26. Қирқ оёқ. 27. Темор тирсақ. 28. Соя ўйин (2). 29. Учар ханжар. 30. Белбоғ қилич. 31. Аскар ўйин (4). 32. Аждарҳо қаҳри. 33. Тошбақа – темир қалқон...

“Минг аскар” жанг санъати усуллари нинг биринчиси “Товус тонги” деб номланиши бежиз эмас. Одатда кеча-кундуз фикри-ёди жанг билан бўлган аскарнинг кўзи қонга тўлиб, тап тортмай ҳақу ноҳақни янчиб, йўқ қилиб кетиши ҳеч гап эмас.

“Минг аскар” жанг санъати тизимида ана шу уйғунлиқнинг мукаммал кўриниши намоён.

ТАДБИРКОРНИНГ ҚОНУНИЙ ҲАҚҚИ СУД ТОМОНИДАН УНДИРИЛДИ

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонининг Фарғона вилоятидаги ижроси доирасида Риштон тумани Зоҳидон маҳалласида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мамадали Топволдиев уй-музейини янгидан қуриш ҳам белгиланган.

Шунга қарамай, тадбиркор масаланинг ижтимоий ва маънавий аҳамиятини инобатга олиб, қолаверса, вилоят ҳокимининг тегишли фармойишига ишониб, уй-музей қурилишини бошлаб юборган. Бундан ташқари, “Rishton bino qurilish” вакиллари қурилиш учун жуда қисқа муддат белгилангани боис вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида ҳам ишга кириришган.

Албатта, жамият бунёдкорлари берган ваъдаларининг устидан чиқиб, 2022 йил 6 май куни бинони фойдаланишга топширишган. Бу хусусда бюртмачи мутахассислари томонидан назорат ўлчови ўтказилиб, 753 миллион 748 минг сўмлик ишлар бажарилгани тасдиқланган.

“Rishton bino qurilish” МЧЖ Фарғона туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритиб, “Фарғона вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш соҳасида бюртмачи хизмати” УҚ, вилоят молия ва фазначилик бошқармаларидан бажарилган ишлар қийматини ундириб беришини сўради.

Буни қарангки, асосий жавобгар саналган унитар корхона вакили судга тақдим этган ёзма фикрномасида Президентимизнинг 2022 йил 15 апрелдаги “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан бюджет маблағларига асосий воситаларни харид қилиш, бино ва иншоотларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар тўхтаганини баён этди.

Фуқаролик кодексининг 108-109-моддаларига асосан нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, юридик шахсларнинг ўзаро битимлари оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилгани, мазмунини ёки бажарилганини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқларининг ўзаро битимлари оддий ёзма шаклда тузилишини, мазмунини ёки бажарилганини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлиқдирлар.

Шунга қўра, “Фарғона вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш соҳасида бюртмачи хизмати” унитар корхонаси ҳамда “Rishton bino qurilish” МЧЖ ўртасида расмийлаштирилган ҳисоб-фактурани ноқонуний, деб бўлмайди. Чунки ҳисоб-фактурада қўшилган қиймат

солиғи суммаси ва бажарилган ишлар қиймати кўрсатилган. Ана шу асосларга таянган суд бюртмачи – унитар корхонадан даъвогар – жамият фойдасига 753 миллион 748 минг сўмини асосси ортирилган маблағ сифатида ундириш юзасидан ҳал қилув қарор қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, айна пайтда тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалардан биридир. Бу Президентимиз томонидан ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётган жиддий эътибор самарасидир. Негаки, сўнгги йилларда давлат бюджетига тўланаётган солиқ ва йиғимларнинг салмоқли қисми тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жамила АКРАМОВА, Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси

Publication information including contact details for XXI asr, editorial board members like Norqobil Jalilov, and subscription rates.